

Тавҳид ва иймон 13

«Мухтасар ал-Фиқх ал-Исламий» китобидан иқтибос

[الْأَوْزَبْكِي – Uzbek – Ўзбекча]

Мұхаммад ибн Иброҳим ат-Тувайжирий

Таржимон: Абдуллоҳ Солих Насағиій

Мұхаррір: Абы Абдуллоҳ Шошій

2015 - 1436

IslamHouse.com

التوحيد والإيمان 13

مقالة مقتبسة من كتاب مختصر الفقه الإسلامي
« باللغة الأوزبكية »

محمد بن إبراهيم التوبيجري

مترجم: عبد الله صالح النسفي

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2015 - 1436

IslamHouse.com

Кавсар ҳовузи

Оллоҳ таоло ҳар бир пайғамбар учун хос ҳовуз яратган, бизнинг пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳовузи, ҳажмининг катталиги билан, сувининг мазалилиги билан ва ундан ичувчиларнинг кўплиги билан бошқа ҳовузлардан афзалдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳовузларининг сифати:

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анху айтдилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Менинг ҳовузимнинг катталиги, бир ойлик масофага тенг келади, унинг суви сутдан ҳам оқроқ, ҳиди мисқдан ҳам хушбўйроқ ва идишлари осмондаги юлдузлар ададичадир, ундан ичса киши ҳеч қачон чанқамайди” (Муттрафақун алайҳи).¹

Ва бошқа ҳадисда шундай деганлар: “Унинг кенглиги узунлиги билан айнидир, “Айла” шаҳри билан “Аммон” шаҳрининг ўртасидаги масофага тенгдир. Суви сутдан ҳам оқроқ ва

¹ Бухорий (6579), Мұслим (2292).

асалдан ҳам ширинроқдир” (Муслим таҳриж қилган).¹

(Мутаржимдан шарҳ: “Айла” шахри, Фаластиндаги эски шаҳар бўлиб, бугунги кунда бузилиб кетган бўлиб, эски ёдгорлик ерига айланиб қолган. Унинг жўғрофик жойи Қизил денгизига яқин ерда жойлашган).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Менинг ҳовузимнинг кенглиги “Айла” шаҳри билан Ямандаги “Санъо” шаҳарининг ўртасидаги масофачаликдир. Ундаги қадаҳларнинг сони, осмондаги юлдузларнинг сони кабидир” (Муттафақун алайҳи).²

Кавсар ҳовузидан кимлар қувилади?

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Қиёмат кунида менинг ёнимга асҳобларимдан бир гуруҳи келади,

¹ Муслим (2300).

² Бухорий (6580), Муслим (2303).

(бы ҳадисда, асҳаблардан мурод: *Расулуллоҳ соллаху алайхи ва салламнинг саҳобалари эмас!* Балки, умматимиздан бир гурӯҳ мусулмонлардир). Фаришталар уларни ҳовуздан тўсадилар, мен: “Эй Роббим! Улар менинг асҳабларимку?! дейман, шунда Оллоҳ таоло: “Улар сиздан кейин динга киритган янгиликларни сиз билмайсиз, улар сиздан сўнг орқаларига ўғирилиб кетдилар”, дейди (Муттафақун алайҳи).¹

¹ Бухорий (6585), Мұслим (2290, 2291).

Сирот кўприги

Сирот: мусулмонлар унинг устидан жаннатга ўтадиган, жаҳаннам устида ўрнатилган кўприқдир.

Сирот кўпригидан кимлар ўтадилар?

Кофирлар ва мушрикларнинг ҳар бир фирмаси, ўзлари дунёда ибодат қилган санамлари билан жаҳаннамга киришади. Улардан кейин Оллоҳга ибодат қилганлар қоладилар, уларнинг ичидаги ташқи кўринишида мусулмонлар каби ибодат қилган мунофиқлари ҳам бўлади. Оллоҳ уларнинг ичидан мунофиқларини қуийдаги тарзда ажратади: Мусулмонларни сажда қилишга буюради, улар сажда қиласадилар, аммо мунофиқлар у кунда сажда қилолмайдилар. Ва мўминларга нур берилади, мунофиқларда эса нур бўлмайди. Сўнгра мўминлар сирот кўпригидан ўтадилар. Сирот кўпригидан ўтиш ҳисоб-китоб қилингандан кейин бўлади.

“Сизлардан ҳар бирингиз унга тушгувчиидирсиз. (Бу) Парвардигорингиз

(амрига биноан) **вожиб бўлган ҳукмдир.** Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдиурмиз” (Марям: 71-72).

Сирот кўпригининг сифати

Абу Сайд Ал-Худрий разияллоҳу анҳу сирот кўприги ҳақида ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “..... саҳобалар: “Эй Оллоҳнинг Расули! Жиср (жаҳаннамнинг устидаги кўприк) нимадир?” дея сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*У, оёқлар тоядиган сирпанчиқ нарсадир, унинг устида темирдан бўлган ўткир илгаклар бордир, мўминлар унинг устидан қўз очиб юмгунча, чақмоқ мисоли, шамолдек, қуш каби ва чопқир отлар тезлигига ўтадилар. Унинг устидан саломат ўтиб, најсот топадиганлар бор, илгакларга илиниб, зўрға ўтадиганлар бор ва илгаклардан ўттолмасдан жаҳаннамга*

құлайдиганлар ҳам бордир” (Мұттафакүн алайхі).¹

Сирот кўпригидан энг аввал ким ўтади?

Сирот кўпригидан энг аввал пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайхі ва саллам ва у кишининг умматлари ўтади. Сирот кўпригидан фақатгина мўминлар ўтади, уларнинг нурлари иймонларига ва қилган солиҳ амалларига яраша берилади. Қиёмат кунида омонат ва қариндош-уруғчилик алоқаси сирот кўпригининг икки тарафига қўйилади, улар омонатдор кишиларни ва қариндош-уруғчиликни узмаган кишиларни кўприқдан саломат ўтишга ёрдам беради. У кунда барча пайғамбарларнинг дуоси: “Эй Оллоҳ! Саломат сақлагин. Эй Оллоҳ! Саломат сақлагин”дан иборат бўлади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхі ва саллам шундай дейдилар: “Жаҳаннамнинг устида сирот кўприги қурилади, унинг устидан энг аввал мен ва менинг умматим ўтади. У кунда

¹ Бухорий (7439), Мұслим (183).

фақат расулларгина гапиради. У кунда расулларнинг дуоси: “Эй Оллоҳ, саломат сақлагин, эй Оллоҳ, саломат сақлагин”дан иборат бўлади” (Муттафақун алайҳи).¹

Мўминларнинг сирот кўпригидан ўтгандан кейин ҳоли

Абу Сайд Ал-Худрий разияллоҳу анху дейдилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Мўминлар Сирот кўпригидан ўтиб, жаҳаннамдан қутулғанларидан кейин, жаннат билан жаҳаннамнинг ўртасида ҳаёти дунёда ўзаро бўлган зулмлари сабабли бир-бирларидан қасос олиш учун ушлаб қолинадилар. Улар бир-бирларидан ҳақларини олганларидан кейин жаннатга киришга изн берилади. Муҳаммаднинг руҳи қўлида бўлган зотга қасамки, мўминлар жаннатдаги манзилларини дунёдаги манзилларидан кўра яхшироқ танийдилар” (Бухорий тахриж қилган).²

¹ Бухорий (806), Муслим (182).

² Бухорий (6535).

Шафоат

Шафоат: бошқадан ёрдам талаб қилмоқ.

Шафоатнинг қисмлари:

Шафоат икки қисм бўлади:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос шафоат. Бу ҳам ўз навбатида бир неча қисмга тақсимланади:

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларининг энг буюги, маҳшар майдонида бутун инсониятнинг устидан ҳисоб-китобни бошлаш учун қилган умумий шафоатлариdir. Бу шафоат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Роббиси тарафидан берилган буюк мақомdir;

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларидан жаннатга ҳисоб-китобсиз кирадиган етмиш минг аҳли жаннатни шафоат қилиб киритадилар. Оллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Мұхаммад! Умматингиздан жаннатга ҳисоб-

китобсиз кирадиганларини жаннатнинг ўнг эшигидан киргизинг", дейди (Юқорида зикри ўтди);

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматларидан гуноҳлари билан савоблари баробар бўлиб, жаннат билан жаҳаннамнинг ўртасида туриб қолган кишиларни шафоат қилиб, жаннатга киргизадилар;

— Аҳли жаннат жаннатга кирганидан кейин, уларнинг жаннатдаги даражаларини кўтариш учун шафоат қиласидилар;

— Амакилари Абу Толибнинг жаҳаннамдаги азобини енгиллаштириш учун шафоат қиласидилар;

— Барча мўминларнинг жаннатга киришга изн берилиши учун шафоат қиласидилар.

2. Барча пайғамбарлар, фаришталар ва мўминларга берилган умумий шафоат. Бу шафоат, гуноҳларининг кўплиги сабабли

жаһаннамга киргандарни ва киришга ҳақли бўлганларни шафоат қилишдир.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Ҳар бир пайғамбарнинг сўзсиз ижобат бўладиган бир дуоси бордир. Пайғамбарларнинг ҳаммаси шу дуоларини бу дунёда сўраб олгандирлар, мен эса шу мустажоб дуомни қиёмат қунида умматимни шафоат қилиш учун қолдирдим. Менинг умматидан ким Оллоҳга ширк келтирмаган ҳолда дунёдан ўтса, бу дуом унга етгусидир” (Муттафақун алайҳи).¹

Оллоҳ таоло “Нажм” сурасида фаришталар ҳақида шундай дейди:

“Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам бирон фойда бермас, магар Оллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишилар учун (шафоатга) изн берганидан кейингина (у шафоатнинг фойдаси тегур)” (Нажм: 26).

¹ Бухорий (6304), Мұслим (199).

Абу Дардо разияллоху анху айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Шаҳидга ўз аҳли байтидан етмиш кишини шафоат қилишга изн берилур” (Абу Довуд таҳриж қилган).¹

Бу шафоатларнинг икки шарти бор:

1. Оллоҳ таоло изн бериши керак, ушбу оятда келгани каби:

“Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай маъбуд йўқ. Фақат Унинг Ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олади. Осмонлари ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг хузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидағи ва орқаларидағи бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг қурсиси осмонлар ва ердан кенгdir. Ва уни осмонлар ва ери ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюkdir” (Бақара: 255).

¹ Саҳиҳ ҳадис. Абу Довуд (2522).

2. Нажм сурасида келганидек, Оллоҳ таоло шафоат қиласиган ва шафоат қилинадиган кишидан рози бўлмоғи керак:

“Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам бирон фойда бермас, магар Оллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишилар учун (шафоатга) изн берганидан кейингина (у шафоатнинг фойдаси тегур)” (Нажм: 26).

* Кофирлар шафоат қилинмайди, улар жаҳаннамда абадий қоладилар. Агар фаразан уларни бирор киши шафоат қилган тақдирда ҳам, уларнинг шафоати ҳеч қачон қабул бўлмайди.

“Энди оқловчиларнинг оқлови уларга фойда бермас!” (Муддассир: 48).

И з о ҳ. Яъни Қиёмат Кунидаги ҳаёти-дунёдан кофир бўлиб ўтган кимсалар ўзлари учун бирон оқловчи топа олмаслар ва агар фаразан Ер юзидаги барча одамлар уларни оқлаган тақдирда ҳам бу оқлов уларга фойда

бермас! Юқоридаги ояларда кофиirlар топадиган оқибат зикр қилинди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларини талаб қилмоқ

Кимки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларини истаса, уни Оллоҳ таолодан ушбу шаклда сўрамоғи лозим: “Эй Оллоҳ! Пайғамбарингни шафоатини менга насиб қилгин”.

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларига лойик қиладиган амалларни қилмоқ лозимдир. Ибодатни ихлос билан қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтиш ва у кишига қиёмат қунидаги олий мақомни сўраш каби.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Қиёмат қунида менинг шафоатим билан энг саодатли бўладиган киши: Оллоҳдан бошқа илоҳ үйқдир, деб чин

қалбдан айтган кишидир" (Бухорий тахриж қилган).¹

¹ Бухорий (99).